


# Мирзо Улуғбек тумани

## КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА



**Муҳаммад ЮСУФ,**
Ўзбекистон халқ шоири

## ВАТАННИ СЕВИНГ

**Кимлардир кафтида гул ушлаб юрар,**
**Кимлардир қўлида палаҳмон тоши.**
**Чайқалиб турганда дунё гулдираб,**
**Юртнинг пойидадир йигитнинг боши.**
**Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,**
**Сўнг шаҳло кўз-у гулбаданни севинг!..**

**Унутманг бу кўҳна чархи фалакда,**
**Ватандан бошқаси ҳаммаси майда.**
**Кўнгилда орзудек осмон мусаффо,**
**Тупроқ тинч бўлмаса, муҳаббат қайда!..**
**Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,**
**Сўнг шаҳло кўз-у гулбаданни севинг!..**

**Чорласа Сиз қўрғон бўлинг, тош бўлинг,**
**Суянг бир-бирингиз елкадош бўлинг.**
**Қани ким ботиниб бир сўз айтолгай.**
**Битта жон, битта тан, битта бош бўлинг.**
**Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,**
**Сўнг шаҳло кўз-у гулбаданни севинг!..**

**Шу юрт тинч — йўқ дилда санчиқларингиз,**
**Қиқирлаб юришар қалликларингиз.**
**Ёр-ёрлар ярашар, тўйлар ярашар,**
**Ярашар тўқликка шўхликларингиз.**
**Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,**
**Сўнг шаҳло кўз-у гулбаданни севинг!..**

**Кимлардир кафтида гул ушлаб юрар,**
**Кимларнинг қўлида палаҳмон тоши.**
**Чайқалиб турганда дунё гулдираб,**
**Юртининг пойида йигитнинг боши.**
**Севсангиз, аввал шу Ватанни севинг,**
**Сўнг шаҳло кўз-у гулбаданни севинг!..**



МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

## Қадрдон маскан

***Халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, саховат, савобли ишларни амалга оширишда маҳаллаларнинг ўрни беқиёсдир. Бу улуғ маскан, қутлуғ даргоҳ ҳар биримизнинг муқаддас ва қадрдон гўшамиздир.***

Туманда 49 та маҳалла мавжуд бўлиб, булар орасида ибратли маҳаллалар ҳам анчагина. Шу ўринда «Гулистон» маҳалласининг фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Маҳалладаги тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат, баҳамжиҳатлик, осойишталикни кўрган кишининг ҳаваси келади.

Маълумки, яқинда бўлиб ўтган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда маҳалла фуқаролар йиғини раислигига шу маҳаллага 41 йилдан буён бош-қош, жонкуяр инсон Сайфулла ака Оқмирзаевнинг номзоди 4 номзод орасидан кўпчилик овоз билан қайта сайланди. Маҳалла аҳлининг қувончи чексиз. Чунки Сайфулла ака доимо одамлар ташвиши билан яшайди.

— Маҳалламизда 9840 аҳоли, 3600 оила истиқомат қилади, — дейди С. Оқмирзаев. — 28 та миллатга мансуб аҳоли бир-бирлари билан аҳил яшашмоқда. Маҳаллада 4 та мактаб, 2 та боғча, 12 та новвойхона, 1 та гузар, 2 та чойхона мавжуд. Маҳалла аҳли айниқса ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. «Оила, маҳалла, мактаб» концепцияси асосида 4 та мактаб билан ҳамкорлик ўрнатилган. Ёшлар ўртасида «Сиз қонунни биласизми?», «Бола тарбиясида маҳалла, мактаб, милиция, оиланинг ўрни» мавзуларида амалий конференциялар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларни ўтказишда ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиянинг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, ногирон, ёлғиз қарияларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳолидан доимо хабар олинади. Шунингдек маҳалла аҳли бу йил шаҳар бўйича ўтказилган «Ибратли хонадон», «Ибратли оила», «Ибратли қайнона» ва «Гулим, уйим, шаҳрим» сингари кўрик-танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Ҳозирги кунда маҳаллада Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ободончилик, қурилиш-таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари авж олган.

**СУРАТДА: маҳалла гузарида ҳар доимгидек қизғин суҳбат чоғида.**
**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

# Истиқлол одимлари

***Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами нишонланадиган кун тобора яқинлашмоқда. Маълумки, шундай қутлуғ кунлар арафасида ортга назар ташлаб муайян натижаларни чиқариш ва келажак истиқболлари тўғрисида ўйлаш одат тусига кирган. Мирзо Улуғбек тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Абдуазим МАЖИДОВ билан суҳбатимиз ҳам мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ва эртанги кунги режалар хусусида кечди.***

**— Абдуазим Ҳакимович, айтингчи, пойтахтдаги энг йирик туманлардан бирида кейинги йилларда қандай ўзгаришлар юз берди?**

— Дарҳақиқат, туманимизда мустақиллик йилларида жуда кўплаб ўзгариш ва янгиланишлар амалга ошди. Биринчидан, биз туманимизга буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек номининг қўйилишига эришдик. Бугунги кунда туман иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар ўзаро узвий боғланган, шаклланган йирик иқтисодий-ижтимоий тизимни ўзида ифода этади. Йилдан-йилга саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари ошмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярмида 29 миллиард сўмлик ҳажмда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Агарда бундан беш йил муқаддам ушбу кўрсаткич беш-олти баравар паст бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу катта ютуқдир. Ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши бўйича ушбу ижобий натижага «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзкабель» ҳиссадорлик жамияти, «Корфармсаноат» қўшма корхонаси каби улкан саноат корхоналари ҳамда хорижий инвесторлар иштирокидаги бошқа кўплаб корхоналар фаолиятлари ҳисобига эришилди. Биз кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига ҳам катта аҳамият қарата бошладик — бугунги кунда туманда ушбу тизимга тааллуқли 4237 юридик шахс ва 7500 та хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Савдодаги маҳсулот айланмаси фақат кичик корхоналар ва кичик фирмаларнинг ўзида йилнинг биринчи чораги натижалари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллиард 178 миллион сўмни ташкил этади.

Кейинги йилларда маданий, ижтимоий-маиший объектларнинг қурилишига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир маҳаллада биринчи тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт таянч пунктлари фойдаланишга топширилди. 20 ва 36-поликлиникалар сингари бир нечта соғлиқни сақлаш иншоотлари қайта таъмирланди. Ҳозирда кардиология маркази жойлашган 15-шаҳар касалхонасини қайта тиклаш бўйича ишлар давом этмоқда. Ўтган йили Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти қошида янги «Никоҳ ва оила» илмий-маслаҳат маркази фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари ҳозирда туманимиздаги Буюк Ипак йўли кўчаси чорраҳасида кичик автомобиль Ҳалқа йўлининг бир қисмини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

**— Мирзо Улуғбек туманини шаҳримиздаги энг спорти ривожланган ҳудудлар қаторига киритишимиз мумкин. Спортни ривожлантиришга бундай эътиборни қандай изоҳлайсиз?**

— Юртбошимиз спортни ривожлантиришга катта аҳамият қаратмоқда. Уларнинг спортдаги ҳар бир натижа миллатнинг саломатлиги, кучи ва буюклигини акс эттиришда муҳим омилдир деган сўзларида катта маъно мужассам. Буни биринчи навбатда давлатимиз сиёсатида келгуси авлод тўғрисида ғамхўрлик устувор йўналиш эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабдан биз спорт — биринчи навбатда соғлиқ-саломатлик эканлиги ва у ҳар бир инсон учун зарурлигини ҳисобга олган ҳолда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш учун қўлимиздан келган барча ишларни амалга оширмоқдамиз. Яқинда теннис бўйича «Тошкент Оупен» халқаро аёллар турнири якунланди. Шундай юқори даражадаги мусобақани ўтказиш учун айнан Мирзо Улуғбек туманида жойлашган барча халқаро андозалар талабларига жавоб берувчи Тошкент теннис маркази танланганидан фахрланамиз.

1998 йили Мирзо Улуғбек туманида спортни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Унга маблағлар туман ҳудудида жойлашган турли фирмалар ва ташкилотлардан келиб тушади. Мазкур маблағлар эса кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли болаларига ёрдам, спорт майдонларини таъмирлаш, спорт анжомларини ва мусобақалар ғолиблари учун қимматбаҳо совғаларни харид қилиш учун сарфланади.

**— Тез орада мамлакатимиз мустақиллигининг кутлуғ 10 йиллик тўйи нишонланади. Шу муносабат билан тилакларингиз.**

— Барча оилаларга соғлиқ-саломатлик тилайман, уларга хуш кайфият, тинчлик ва катта муваффақият ёр бўлсин. Республикамиз, шаҳримиз ва туманимиз ҳамма соҳалар бўйича ривожланиб, гуллаб-яшнаши учун эса биз ушбу мақсадга эришиш йўлида бор куч-ғайратимизни сарфлаб, ҳормай-толмай меҳнат қилайлик.

2001 — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

## Сен барибир муқаддассан...

***Оналар соғлом бўлса, келажагимиз мевалари фарзандлар ҳам соғлом ва баркамол, қудратли, билимли бўлиб етишадилар.***

Шу мақсадда Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятини тўққизта йўналиш бўйича олиб бормоқда. Булар — инсон манфаатлари, маданий-маърифий, таълим-тарбия, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни соғломлаштиришдан иборатдир. Туманда хотин-қизлар қўмитаси, Фридрих Эберт жамғармаси, «Сабо» хотин-қизлар ва болалар маркази ҳамкорлигида «Аёлларнинг фуқаролик ва ҳуқуқий саводхонликларини ошириш»-га бағишланган машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, туманда фаолият кўрсатаётган «Ёш оила мактаби» машғулотлари ФХДЁ бўлимида ҳар ойда мунтазам ўтказилиб, унда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш келин-куёвларга оилани мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тушунтириш ва маслаҳатлар берилмоқда.

2001 — Оналар ва болалар йили ҳамда «Она ва бола» Давлат дастурига мувофиқ туман хотин-қизлари, ҳомиладор аёлларнинг саломатлигига жиддий эътибор қаратилган. Балоғатга етган ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш, ёшлар тарбияси бўйича маънавий-маърифий тадбирлар, суҳбатларга ҳам қизиқиш катта бўлмоқда.

Туман ва шаҳар бўйича ўтказилган «Ибратли қайнона», «Ибратли оила», «Ибратли келинчак», «Мафтуна», «XXI аср маликалари», «Она нигоҳи — илҳом бешиги» сингари кўрик-танловларда туман хотин-қизлари фаол қатнашиб муносиб ўринларни эгалладилар. Бундай кўрик-танловлар ва ибратли тадбирларнинг ўтказилиши аввало аёллар, оналаримизга бўлган ҳурмат-эътибор, чексиз ғамхўрликнинг ифодасидир. Зеро аёл дунёни тебратаётир, аёл бешикни тебратаётир. Шунинг учун оналарни, аёлларни севинг, ардоқланг!



ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

## Олтита йўналиш бўйича

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланиб, туман ёш олимларининг фаоллигини ошириш, уларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини туман ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш корхоналарига жорий қилиш, ишлаб чиқариш билан илмий ишларни узвий боғлаш ҳамда ёш кадрларни пухта тайёрлашни йўлга қўйиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман ҳокимлиги ташаббуси билан Мирзо Улуғбек тумани «Ёш олимлар» жамғармаси тузилди.

«Ёш олимлар» жамғармаси фаолиятининг олтита йўналишда, яъни, техника, тиббиёт, кимё, электроника ва физика, иқтисодиёт, биология ва спорт соҳаларида илмий тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини ташкил қилиш мақсадида туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган «ТТЗ», «Ўзкабель» Давлат ҳиссадорлик жамиятлари, «Дойчкабель», «Тошкент нон шаҳри», «Дон-нон», «Шарқ таронаси» ҳиссадорлик жамиятлари, «Радиопрепарат» давлат корхонаси, «Корфармсаноат», «Тезинтом», «Вита» қўшма корхоналари, «Нурон» компанияси, «Иқтисодни ривожлантириш бошқармаси», туман ҳокимлиги ҳомий ташкилотлар қилиб белгиланди.



Жамғарма мувофиқлаштирувчилари ва фаоллари ушбу корхоналар олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ёш олимлари билан «Тошкент трактор заводи» ДХЖ ҳамкорликда двигателларнинг иш муддатини ошириш мақсадида ёнилғи-мойлаш материалларининг тозалигини ошириш борасида амалий ишларни бажардилар. Улар томонидан республикамиз хом ашёларидан фойдаланган ҳолда янги фильтрлар ва мой тозалаш қурилмалари ишлаб чиқилди.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман ёш олимлари бошқа давлатлар олимлари билан алоқаларни кучайтириш, ахборот алмашиш мақсадида ИНТЕРНЕТ синфлари ташкил қилинмоқда.

Ҳа, бундай ибратли ютуқлар ҳақида гапирганимизда Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деган доно сўзлари яна бир бор ёдимизга тушади.

МАЪНАВИЯТ

## Эзгу мақсадлар йўлида

***Мирзо Улуғбек туманида кейинги йилларда рўй бераётган буюк ўзгаришлар маънавият ва маърифатнинг янада юксалганидан далолатдир.***

2001 — Оналар ва болалар йили муносабати билан туманда фаолият кўрсатаётган «Маънавият ва маърифат» маркази ўз иш режаларини тасдиқлади. Ушбу режага асосан ҳуқуқ-тартибот органлари, туман Ички ишлар бошқармаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, туман халқ таълими бўлими, СПИД маркази, «Маҳалла», «Нуроний», жамғармаларининг раҳбарлари ҳамда таниқли шоир, ёзувчилар, журналистлар ва бошқа раҳбарлар билан келишилган ҳолда тадбирлар белгиланди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари тасдиқланди. Кенгаш аъзолари ҳамкорлигида доимий равишда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маҳаллалар, ташкилот ва корхоналарда долзарб мавзулар бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Ўсмирлар ўртасида уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавий юксалишини таъминлаш, миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш, жиноятчилик, гиёвандлик, ичкиликбозликнинг олдини олиш мақсадида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Туман «Маънавият ва маърифат» марказида тумандаги таниқли олим, шоир, ёзувчилар, профессор-ўқитувчилар ҳамкорлигида маърузачилар гуруҳи тузилган. Маърузачилар томонидан туман ҳудудидаги корхона, ташкилот, маҳалла ва олий ўқув юртларида ва бошқа нуфузли жойларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» мавзуларида тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

«Оила — жамият пойдевори», «Соғлом фарзанд — оила мустақиллиги», «Сиз қонунни биласизми?», «Конституцияни биласизми?», «Қонун ҳамма учун баробар» мавзуидаги суҳбатлар, семинарлар шулар жумласидандир.

Марказда Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига тайёргарлик кўриш, «Она ва бола» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ёшларни она Ватанга садоқат, миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашга жиддий эътибор қаратилган.

ТАДБИРКОРЛИК

## Харидоргир маҳсулотлар

***Туманда 4237 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари мавжуд бўлиб, булар барча корхоналарнинг 89 фоизини ташкил қилади. Шулар қаторида «Мавж» Ўзбекистон — Австралия қўшма корхонасининг ҳам туман саноатида ўз ўрни бор. Ҳозирда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб туради.***

— Корхонамизда Ўзбекистонда ягона Хитойдан келтирилган юксак унумли замонавий дастгоҳларда 6 хил тезпишар угра маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда, — дейди корхона бош директори Камол Мирҳамидов. — Шунингдек, 50 дан ортиқ турли номдаги шампунлар, ювувчи ва тозаловчи воситалар, оёқ кийимлар учун крем-паста ва турли хил елим маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, юртимиз харидорларини мамнун этмоқда.

Илгарилари угра маҳсулоти Хитойдан келтириларди. Ҳозирги кунда бу маҳсулотни ўзимизда, республикамизда етиштирилган хушбўй зираворлар қўшиб тайёрлаётганимиз туфайли таъми, сифати харидорларга манзур бўлиб, талаб ортиб бормоқда.

Шуни қувонч билан айтиш жоизки, илгари корхонага четдан келтирилган турли хил тошлардан мармар-гранит кукунидан «Glint» деб номланган қурилишда асқотадиган безак маҳсулоти ишлаб чиқариларди. Ҳозирги кунда ушбу тошлар республикамизнинг турли жойларидан келтирилгач, маҳсулотимиз уч баравар арзонга тушмоқда. Бу мармар-гранит кукунидан тайёрланаётган маҳсулотимизнинг ҳам ўз харидорлари бор.

Айни кунларда корхонада 50 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар энг улуғ ва энг азиз байрамимиз Республикамиз Мустақиллигининг 10 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш, тўйга тўёна билан бориш ниятидалар.

Ҳозир корхона аҳли янги маҳсулот — тиш ювиш пасталари ҳамда ўзимизнинг помидордан венгерча кетчуп маҳсулоти ишлаб чиқаришга киришганлар.

Корхона аҳли пойтахтимизда бўлиб ўтган Тошкент савдо-саноат ярмаркаларида, «Ташаббус» шаҳар-кўрик танловларида ўз маҳсулотлари билан қатнашиб, бир неча бор дипломлар билан тақдирланишган. Мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами олдидан «Ўзэкспомарказ»да ўтказиладиган савдо-саноат ярмаркасида ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашиш ниятидалар.

# Тарих саҳифаларидан

***Тошкентнинг ҳар бир тумани, ҳар бир маҳалласи бу ерда кўп асрлар муқаддам бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қилиши мумкин. Бу гап Мирзо Улуғбек туманига ҳам тааллуқлидир. Унинг ҳудудида бетакрор миллий архитектура ёдгорликлари мавжуд.***

Замонавий Тошкент қурилишини тарихчилар 1865 йилда, Анҳорнинг чап қирғоғида жойлашган мудофаа истеҳкомлари ҳамда қадимий Қўқон қалъаси Ўрданинг бузиб ташланганлиги билан боғлашади. Янги Тошкент дастлаб ҳарбий қалъа ҳузуридаги яшаш учун манзил, саноат ва савдонинг ривожланиши билан эса маъмурий ва маданий марказ сифатида қурила бошлади. Янги шаҳарнинг турли жойларида бир неча бинолар пайдо бўлди...

Тошкент — жуда кўп тарихий воқеаларга шоҳид бўлган республиканинг замонавий пойтахти XX аср мобайнида бир неча бор қайта қурилди. 1935 йили илгариги тўрт жамоа хўжалигини бирлаштирган шаҳар туманларидан бири сифатида айни шу йилни замонавий Мирзо Улуғбек тумани ривожланишининг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. 1939 йилда архитекторлар шимоли-шарққа қараб ривожлантириш кўзда тутилган шаҳарни қайта қуриш лойиҳасини тасдиқлашади. Аммо, иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ана шу лойиҳани амалга оширишга ғов бўлди. Урушдан кейинги йилларда туман жадал суръатлар билан замонавий тарзда ривожлана бошлади: янги маъмурий бинолар, турар жой мавзелари қад кўтарди.

60-йилларда туман ҳудуди ҳозирги чегараси — «ТТЗ» мавзесигача кенгайди. У пойтахт марказидан Тошкент Ҳалқа автомобиль йўлигача, «Феруза» даҳасини ҳам ўз ичига олади. Тахминан ана шу йилларда ҳозирги Қибрай туманининг бир қисми туманга ўтди ва янги замонавий турар жой мавзеларининг қурилиши бошланди. Туманда янги олий ўқув юртлари, мактаблар, ёзувчилар, бастакорлар, архитекторларнинг ижодий уюшмалари, театр жамияти, илмий тадқиқот институтлари пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида туман «қайта туғилди» — 1992 йилда туманга буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек номи берилди.

**Саҳифани Дилором ИКРОМОВА тайёрлади.**

**10 Шу азиз Ватан — барчамизники!**

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

# Меҳр йўли

*(Очерк)*

***Умр нима?***

***Шунчаки кун кўрмоқми? Ё ҳою ҳаваслар йўлида курашишми? Ёхуд тирикчиликнинг бир дунё ташвишлари ичра яшашми? Йўқ. Буларнинг бариси умр деган улкан сўзнинг юкини кўтаролмайди. Ахир ҳаёт инсонга бир маротаба берилган имкон. Шунчаки кун ўтказиш эса ана шу имконни йўққа чиқармоқ билан баробар. Одам ҳаётнинг мазмунини теран англаб яшаса, шунга яраша меҳнат қилиб эл-юрт назарига тушса ва ортида ёрқин излар қолдирса...***

Умр деганлари аслида, шу!

Қадимда бир меҳнаткаш киши донишманд ҳузурига бориб шундай дебди:

— Мен умрим бўйи бир зум ҳам тиним билмай ишладим. Лекин катта-катта саройлар қурмадим, кўмиб қўйган хазинам ҳам йўқ. Баъзи бировлар эса турли йўллар билан мол-дунё тўплайдилар. Улар бой-бадавлат, доимо роҳатда яшашади. Яратган Эгам адолатли бўлса, ҳалоллик йўлини тутган мендек бир кимсага нечун ўшаларникичалик лаззату фароғатни раво кўрмайди?!

— Сен уларга зинҳор ҳавас қилма, — дебди донишманд. — Бойликлари кўплигидан кечалари кўзларидан уйқу қочади, луқмалари ноҳалол бўлгани сабаб, танларида касаллик қўзғайди. Нодуруст қилмишлари эвазига кўпдан-кўп азобларга гирифтордирлар. Сен эса тўғри йўлдан борганинг, ҳалол ишлаб, Аллоҳ берган ризққа қаноат қилганинг боис, икки дунё саодатига эришурсан!

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Алимуҳамедовнинг суҳбатини тинглаётиб, негадир ўша ривоят ёдимга тушди.

— Заводда кўп йиллар ишлаганимдан сўнг иккала қўлим ҳам қақшаб оғрийдиган бўлиб қолди, —дейди у. — Бир куни кичик акам ёнларига чақириб, «Қийналиб кетдинг, бирорта билим юртига ишга жойлаб қўяйлик, болаларга чилангарлик ҳунарини ўргатасан. Яхши ишласанг, ўша жойда катта лавозимларгаям кўтариласан», — дедилар. Заводдан кетишимни тасаввур қилдиму, ғалати аҳволга тушдим.

Сўнг аста бош чайқадим. «Бўлмайди!» дедим.

Инсоннинг ички олами унинг чеҳрасида қисман акс этган бўлади, дейдилар. Бу рост гап. Баъзи одамлар билан суҳбат қурсанг, унинг нима демоқчи эканини кўз қарашлариданоқ сезиб оласан. Менинг қаҳрамоним ҳам шундай. У соддадил, юмшоқ феълли, камтар ва камсуқум. Зоҳирий қиёфасида кўзга ташланиб турган шижоати, журъати ва ғайрати унинг ботиний фазилатларини янада бўрттиради.

«Мен оддий яшадим, виждонан ишладим, қийинчиликларни енгиб ўтдим» дейди у ўз ҳаёти ҳақида гапираётиб. Мени эса бу сўзлар қониқтирмайди. Чунки, эл-юрт назарига тушиб, қаҳрамонлик унвонини олган кишининг умр дафтари ғоят гўзал ва мазмундор саҳифалардан иборат эканлиги шубҳасиз. Беихтиёр ана шу саҳифалар аро кўз ташлайман...

1959 йил. Эркин Алимуҳамедовнинг акаси Акбаржон пойтахтимиздаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (Тошкент авиация заводи) да ишларди. Худди ўша кезларда уларнинг оналари — эри урушдан қайтмай, бева қолган, сўнг тўрт фарзандини тишида тишлаб катта қилган Нуриниса ая қаттиқ бетоб эди. Эркин хаста онасининг ёнида бўлиш учун ўқишидан ҳам воз кечди. (У мактабни битириб Тошкент Политехника институтига кирганди). Кейинчалик, йиллар ўтиб, Нуриниса ая умр йўлдошини эслаганида, келини Ферузахонга битта гапни кўп такрорларди:

— Раҳматлик жуда оққўнгил, меҳрибон киши эдилар. Эркинжон отасига тортди. Касал вақтларимда ёнимдан кетмади, мени деб институтни ташлади, аскарликка ҳам ўртоқларидан анча кечикиб борди. Мингдан минг розиман. Илоё олгани олтин бўлсин.

Муштипар онанинг дуолари ижобат бўлди!

Эркин ака ҳар гал марҳума онасини хотирлаганида негадир унинг ўша сўзлари хаёлидан ўтаверади. У бундан қирқ йилча аввал Акбар акаси ёнига — заводга ишга кирганида тақдирнинг бу инъоми унга бахту саодат келтиришини ҳали билмасди. Дастлаб парчинловчи-йиғувчига шогирд тушди. Илк устози Василий Соловьёв жуда жонкуяр ва талабчан эди. Шу одамнинг кўмаги билан уч ойдан сўнг у учинчи разрядли парчинловчи йиғувчи сифатида мустақил фаолият бошлади. Меҳнатсевар ва ўта интизомли бу йигит тезда кўпчиликнинг эътиборига тушганди, ўшанда. Кейинчалик заводнинг 250 нафар киши меҳнат қиладиган улкан цехи уни ўз бағрига олди. Бу цехдагилар самолёт қанотларининг ўрта қисмини йиғиш, ускуналарни ўрнатиш ва синовдан ўтказиш юмушларини адо этишарди. Анча муҳим ва масъулиятли иш! Чилангар-йиғувчи Эркин Алимуҳамедов узоқ йиллар куч-ғайратини шу ишга сарф этди. Шу жойда тажриба орттирди, оила қурди, сўнг фарзандлар тарбиялади.

— Мен бахт нималигини шу ерда билдим, — дейди у. — Баъзи бировлар ўйлаганидек бахт дегани беадад ҳою ҳавасларнинг ушалишида эмас, аксинча сен ўз жамоангга, оилангга, дўстларингга ҳамиша керак эканлигингни ҳис этсанг, мана шунинг ўзи ҳам бир бахт экан...

Эркин ака ва Ферузахон опа оилада ҳам, ҳаётда ҳам, меҳнат жабҳасида ҳам ёнма-ён, бир-бирига ҳамдард, ҳамфикр бўлишди. Иккалови уч фарзандни улғайтириб, элга қўшишди. Дилфуза, Темуржон, Камола — ҳаммалари худди ота-оналаридек уқувли, меҳнаткаш бўлиб вояга етдилар. Феруза опа узоқ йиллар Тошкент каноп заводида ишлади. Ҳалол меҳнат сурури бу хонадонга файзу барака келтирди. Кўнгиллар яқин бўлса, турмушдаги машаққатлар чекинади. Айниқса, ёнингда сени тушунадиган, ақлли жуфти ҳалолинг бўлса қанчалар соз!

— Мен бу инсонга ич-ичдан ҳавас қиламан, — дейди Феруза Алимуҳамедова. — У киши жуда меҳрибон, куюнчак. Бировларнинг тақдирига асло бепарво қарамайди. Ишлаб юрган кезларида ҳар куни кечлик овқатга дастурхон ёзаётиб, «Қанийди, ҳозир келиб қолсалар, бирга



овқатланардик», деб соатга қарайверардим. Қаёқда! Ўша заҳоти телефон жиринғларди. Шошиб бориб гўшакни қулоғимга тутардим. Эркин аканинг товуши ташвишли эшитиларди. «Онаси, узр, мен кечроқ бораман, кутманглар. Цехимиздагилардан бири касалхонага тушиб қолди», дердилар. Бунақа «узр сўраш»лар кунора давом этарди. Қай бир касбдошига санаторийга йўлланма керак бўлиб қолар ёки қай бирининг болаларини лагерга жойлаш ташвиши кўндаланг бўларди...

«Дарахт бир жойда кўкаради», дейдилар.

Бир жойда кўкариб, сўнг ҳосилга кирган бақувват дарахтнинг меваларидан шу жойдагилар баҳраманд бўлишади. Эркин Алимуҳамедов ҳам иш фаолиятининг қирқ йили давомида заводда катта тажриба мактабини яратди, улкан касб маҳоратига эга бўлди. Энг юқори разрядли чилангар-йиғувчи сифатида завод жамоасининг ишончини, меҳрини қозонди. Бу йиллар ичида у АН-12, АН-22, АН-8, ИЛ-76 каби юк самолётларининг тузилишини мукаммаллаштиришга оид 30 га яқин ихтирочилик таклифларини киритди! Қанотларни йиғишда қўл меҳнати билан бажариладиган юмушларни автоматик усулга кўчиришнинг илк ташаббускори бўлди.

«Бу инсон асли меҳнат учун яратилган. Иш деса ўзини аямайди!» дейишарди кўпинча сафдошлари.

— Назаримда илгариги йилларда заводда меҳнат хавфсизлигини таъминлашга унчалик жиддий ёндошилмасди, — дея эслайди Феруза Алимуҳамедова. — Узоқ вақт меҳнатнинг қўлда бажарилиши сабаб бўлибми, Эркин аканинг қўллари қақшаб оғрийдиган бўлди. «Даволанинг» десам, ишни кўзи киймасди. Ахир оиламизнинг эгаси, болаларимнинг отаси хасталансаю қандоқ жим турай?! Завод маъмуриятига кириб, у кишининг аҳволини тушунтирдим. Шундан кейингина шифохонага ётиб даволанишга мажбур бўлдилар...

Қаҳрамоним билан суҳбатимиз давом этади.

**— Баъзида инсон ишдаги ташвишлардан хориб-чарчайди. Шунда ҳамма нарса жонига тегади. Тушкунликка тушади. Бордию сиз шундай ҳолатда қолсангиз, қай йўлни тутар эдингиз?**

— Тушкунлик юракни емиради. Емирилган юрак анча вақт ўзини ўнглолмайди. Ортиқча юмуш ва ташвишлардан қийналган кезларимда ўзимга таскин бераман: «Одам барча машаққатларни енгиб яшай олиши керак, чида!» дейман.

**— Қандай одамларни ёқтирасиз ва қайсиларини...**

— Содда, дилидагини очиқ айтадиган кишилар менга ёқади. Ёлғончини ҳеч кечиролмайман.

**— Истиқлол сизга нима берди?**

— Истиқлол биргина менга эмас, жамики юртдошларимга катта имкониятлар эшигини очди. Ўз соҳасига садоқатли, ҳалол меҳнат кишилари мустақиллик йилларида кашф қилинди, эл орасида ном қозонди. Мен ҳам ана шуларнинг бириман. Камтарона меҳнатларим ҳисобга олиниб, 1995 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдим. Олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирландим. Оддий меҳнат аҳлини эъзозлаётган ҳукуматимиздан, шахсан Президентимиздан жуда миннатдорман!

**— Тақдирингиздан мамнунмисиз?**

— Нега мамнун бўлмай!? Агар ўшанда акамнинг бир оғиз гапи билан заводдан кетиб, бошқа тинчроқ ишга кириб олганимда, балки ҳозиргидек ютуқларга эришмаган бўлармидим... Яқинда Президентимиз ҳам катта йиғинда бир гапни айтдилар. «Одам ҳаётда бир из қолдирмоқчи бўлса, жамиятга, юртига наф келтиришни истаса, аввало ўз фикрига, дунёқарашига таяниб яшаши керак!» дедилар.

**— Бир вақтлар ўзингиз шогирд эдингиз. Энди ёшларга устозлик қилаётгандирсиз?**

— Албатта. Чилангарлик ҳам нозик, ҳам мураккаб иш. Айниқса, самолёт қанотларини йиғишда салгина хато қилиб қўйилса, бутун иш чиппакка чиқади. Ўткир нигоҳ билан, диққатини жамлаб ишлаши керак чилангар. Мен буни шогирдларимга тез-тез уқтираман. Аслида шогирдларим кўп. Анатолий Коваченко шулар орасида энг севимлиси. У чилангарликнинг ҳамма жараёнларини ипидан игнасигача пухта ўрганиб олган.

**— Пенсияга чиққанингиздан бери заводга бордингизми?**

— У ерда менинг қирқ йиллик ҳаётим кечган. Энг ёруғ, энг азиз хотираларим ҳам завод ҳаёти билан боғлиқ. Ҳамкасбларим даврасида тез-тез бўлиб тураман. Албатта бозор иқтисодиёти қийинчиликлари бу жамоани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Лекин корхонада изланиш давом этмоқда. Жаҳон андозаларига мос тушадиган ИЛ-76, ИЛ-114 самолётлари ишлаб чиқарилмоқда.

Айтишларича, муҳташам бир бино қурилишида иштирок этаётган учта устани саволга тутишибди. «Иш жараёнида кўнглингиздан қандай ўй-хаёллар кечаяпти?» дейишибди.

— Ишлаш керак бўлгани учун ишлаяпман, — дебди биринчи уста.

— Хаёл суришга вақтим йўқ, пул топиб оиламни боқишим керак, — дебди иккинчиси.

— Шу бино ҳадемай поёнига етиб, осмон билан баравварлашади. Юзлаб-минглаб одамларни ўз бағрига олади. Ўша одамларнинг юз-кўзларида пайдо бўлажак қувонч ҳозирданоқ менинг кўнглимни мунаввар этиб турибди. Қўлларимнинг тафти қоладиган ушбу бино қурилишида қатнашаётганимдан чексиз фахрланмоқдаман, — дебди учинчи уста.

Инсон ўз меҳнатининг мазмун-моҳиятини англамоғи керак! Шундагина меҳнат унга шараф келтирди.

«Эл-юрт учун куюниб, эл-юрт учун фойда келтириб яшайлик!» деган эдилар Президентимиз. Шундай яшашни бахт деб билгучилар кўп орамизда. Шунинг учун ҳам биз тез ва жадал илгарилаяпмиз. Шунинг учун ҳам истиқлол қалбимизда асралаётган гавҳартош янглиғ кун сайин бизга қадрли бўлиб бормоқда.

Мен қаҳрамоним — Эркин Алимуҳамедовнинг ҳаёт йўлига бир қур назар ташлар эканман, унинг ҳалол меҳнат ичра кечган умри кўпчиликка ибрат бўлажагини фаҳмладим.

«Ғайрат ва шижоатим эзгуликларга нисор бўлди, машаққатларни иродам кучи билан енгдим, баъзан ўзимни фидо қилдим. Меҳр йўлини босиб ўтдим», дейди у.

Меҳр юракда туғилади. Юракда етилади. Юракни иситади. Сўнг у бор қуввати билан ўзга юракларга ҳарорат беради. Юраклар бир-биридан меҳр олиб, тобора ёруғланади, нурга беланади, кучга тўлади.

Қаҳрамонимни бир умр одамлар билан шу азиз Ватан, шу она тупроқ билан боғлаган меҳр йўли янада кенгайиб бораверади. Бу йўллар уни фақат илгарига чорлайди. У ҳамон шу чорловлар измида...

Демакки, меҳр йўлининг ҳали давоми бор!

Саодатли манзилларда учрашгунча омон бўлинг, муҳтарам Инсон!

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

ТАШАББУС

# Тинчликка даъват

Таниқли шоир ва педагог Масахиси Гои хотирасини абадийлаштириш мақсадида Японияда унинг номида тинчлик жамғармаси тузилган. Бу нуфузли жамғарма Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан яқин ҳамкорлик алоқасини боғлаб, «Ер юзида тинчлик барқарор бўлсин» деган шиор асосида иш юритмоқда.

Гои жамғармаси томонидан ўтказилаётган ёзма ишлар халқаро танловида ўзбекистонлик ёшлар, жумладан «Рабат Малик» Республика саёҳатчилар уюшмасининг ёшлар клуби аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Япония жамғармаси яхши ташаббус бошлаб берди. Мамлакатимиз мустақиллик байрами олдидан «Ўн йилликка ўнта тинчлик симёғочи» деган шиор остида хайрли тадбирга қўл урилди. «Дунёда тинчлик бўлсин!» деган ёзувли лавҳа ўрнатилган ҳамда рамзий маъно касб этган бундай мимориал ёдгорликлардан бири Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги Маданият ва истироҳат боғида ўрнатилди.

**Акбар АЛИЕВ**

ТАНЛОВЛАР

# Ижро маҳорати учун

Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги муассасалар бадиий жамоаларининг «Ўзбекистон қўшиқ байрами»да она Ватанга муҳаббат, келажак истиқболини мадҳ этувчи кўплаб қўшиқлар ижро этилди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган бу санъат байрамида Тошкент шаҳри бадиий жамоалари гуруҳи ҳам совринли ўринни қўлга киритди.

«Энг яхши овоз соҳиби,» «Энг яхши мусиқа ижроси учун» деган фахрли номга бир неча ёш истеъдодлар эга бўлишди. Тошкент маданият техникуми талабаси Мамлакат Холбўтаева эса «Энг яхши ижро маҳорати учун» фахрли ном билан тақдирланди ҳамда номинациядаги махсус совға билан мукофотланди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қалтис ҳис... Бу — Ватан билан ўзини бир бутунликда билиш, уни яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир.

● Ўзингни Ватанга қанчалар яқин ҳис қилсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан.

● Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси Ватанни севиш ва унга ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчана олмайди.

● Ватан тарбиясини оила қучоғидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда Ватан фикри бўлмайди. Улар учун Ватан — она қучоғидир. Болалар оилани сева-сева Ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳаббати Ватан муҳаббатининг асосини ташкил қилади. Оила муҳаббати эса оила қучоғида ва оила муносабатларида вужудга келгани учун Ватан муҳаббати ҳам дастлабки озиғини, дастлабки қувватини оила қучоғидан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса, Ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустаҳкам бўлади. Ўз оиласи аъзоларига нисбатан туйғуга эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши Ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди.

Хулоса: Ватан тарбиясида дастлабки вазифа оилага оиддир. Авлодимизга тўлиқ Ватан муҳаббатини бериш учун, аввало уларнинг кўнгилларига оила муҳаббатини сингдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотишимиз лозим.

Оила муҳаббати Ватан муҳаббатининг муқаддимаси, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

Байт:

**Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун,**
**Инсон ҳаётида қолур бемазмун.**

● Нотинч кўнгилга ширин уйқу келмайди.

● Тинч яшашни истасанг, пасткаш одам билан душманчилик қилма.

● Молу пулинг кетса кетсин, аммо вақтингни зое кетказма.

● Тинчлик ва осойишталикдан ҳам кўра улуғроқ неъмат бўлмайди.

● Ривоят қиладиларки, бир кун жинларнинг подшоси Сулаймонга оби ҳаёт сувини олиб келтиради. Уни ичиш-ичмаслигини билмаган Сулаймон бир доно дарвешдан маслаҳат сўрайди.

— Бу сувни ичсанг, ўлим нималигини билмайсан, то қиёматгача яшайсан, — деди дарвеш унга. — Аммо сенинг барча ёр-дўстларинг, яқинларинг ўлиб кетишади, сен бегоналар орасида якка моховдек бўлиб қоласан.

Бу сўзни эшитган Сулаймон оби ҳаёт сувини ичмади.

Байт:

**Яхшилар кетидан агар чопарсан,**
**Истагинг, бахтингни шундан топарсан.**

● Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққатига унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди.

● Инсонни ҳайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб-тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир.

● Инсон ақл, зеҳни билан яхши ва ёмонни, фойда ва зарарни ажрата олади. Ақл — инсон роҳатининг мадоридир.

● Бир донишманд: «Ақлинг билан қара, кўз хоиндур, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир!» деган. Ақл раъйининг ҳақиқий ўлчови, фикр эса ақлнинг кўзгусидир. Инсон бир ишга киришар экан, энг аввало у ишни ақл каби адолат ўлчовида ўлчаб, келтирадиган фойда ва зарарни ўйлаб, сўнгра у ишга ҳаракат қилиши лозимдир. Ўзи унча тушунмаган бир ишни бошлашдан олдин шу ишни яхши тушунган тажрибакор маслаҳатини олиш тавсия этилади.

● Гўзал ҳислатлар — ақл ва камолнинг бир нишонасидир. Гўзал ахлоқ ҳам ақлнинг камолга эришганидан далолат беради. Бир мажлисда ҳеч кимга сўз бермай эзмалик қилиб сўзлайвермаслик, жоҳил ва нодоннинг сўзларига сукут билан жавоб беришлик соғлом ақл олдида ҳар бир инсон учун ғолибият ва саодат бўлиб, бунинг акси эса пушаймонлик ва тубанликдир.

Байт:

**Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,**
**Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар,**
**Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,**
**Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.**

● Олимлардан Н. Ҳаддод айтади:

— Инсон учун энг зўр фазилат ўз даражасини билишдир. Бу фазилат илминг, зийраклигинг каби ақлий қувватинг ва жисмоний қувватинг, жамиятда тутган ўрнинг, обрўйинг, хулласи, ҳамма сифат ва фазилатларингни кўзгу каби кўрсатиб туради.

Ғурур ва такаббурлик ўз даражангни билишнинг зиддидир. Ўз даражасини билувчи кишининг феъл-атвори билан мағрур ва мутакаббир кишининг феъл-атворини таққослаб кўрсак, биринчи кишининг фазилати барқ уриб туради. Иккинчиси, яъни ўз даражасини билмаган мағрур ва мутакаббир киши тоқатидан ортиқ юришдан ҳаракат қилиб, йўлда қолиб кетади. Биринчиси ўйлаб йўл юргани учун мақсадига эришади. Иккинчиси, юрган йўлини билмай кўр-кўрона ҳаракат қилгани сабабли мақсадига, орзусига етмайди.

Шунинг учун, ўғлим, зинҳор мағрур ва мутакаббир бўлма, саъй-ҳаракатларинг шамолга учмасин, ҳар вақт сўзларингни ўйлаб сўзла, бир ишга киришмасдан олдин ўйлаб кўр, у ишни бажара оласанми, йўқми. Дўстларинг ва душманларинг сенинг тўғрингда нима сўзлайдилар, ҳаммасини билиб тур. Бошқалар сенинг тўғрингда қандай фикрда эканликларини ўрган, шуни ўрганиб, ўзинг ҳақингда ҳар хил фикрларнинг ўртасини ол, сен — ўшасан. Сенинг ишларингни танқид этганларини эшитсанг, зинҳор аччиғланма, чунки танқид фойда келтиради. Танқид соясида хатоларингни тузатасан, бундан кейин қилинадиган ишингда хатога йўл қўймаслик учун ғайрат қиласан, ўз даражангни билиб ишлайсан.

Байт:

**Мардларнинг ишларини андиша қил,**
**То тириксан яхши ишни пеша қил.**

САХОВАТ

# Савоб ишларга дахлдор

**«Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак».**

**— Юртбошимизнинг ушбу сўзлари ҳамиша мени яхши ва эзгу ишларга йўлчироқ бўлиб бошлайди, — дейди хусусий тадбиркор Абдумажид Ёрмуҳамедов.**

Ҳа, доимо яхши ниятли, эзгу ишларга бош-қош бўладиган, қўлидан келганча одамларга фақат яхшилик қилишга интилиб яшайдиган инсонлар ҳақида маҳалла-кўй, қўни-қўшни, атрофдагилар фақат илиқ гапларни айтадилар. «Эй, фалончининг отасига раҳмат», «Фарзандларини, халқини ўйлаган одам-да» бу дейишади.

Азалдан маҳалла-кўй орасида обрў-эътибор топиб келган Абдумажид ака Ёрмуҳамедов мана шундай эзгу ва савоб ишлар бошида турган инсонлардандир.

Чилонзор туманидаги 138-мактабга кириб келганимизда иш авжида экан. Бу илм масканида жуда катта таъмирлаш ишлари кетаётгани шундоққина кўриниб турарди. Бу ишларга бош-қош бўлиб турган, кўринишидан меҳнаткаш, соддагина инсон ўзини Абдумажид хожи Ёрмуҳамедов деб таништирди.

— Ҳожи ота, эзгу ва савоб ишларга қўл урибсиз, бу мактабда фарзандларингиз ўқишадими... деб берган саволимизга у киши шундай жавоб бердиларки, бир инсон қалбидаги Президентига, она Ватанига, мустақилликка, халқига бўлган меҳрни, муҳаббатни бир яхши эртак мисоли тингладик, сафимизда мана шундай саховатли, эли, юрти учун куйиб-ёниб яшаётган инсонлар борлигидан кўнглимиз фахрга тўлди.





— Инсон ёши улғайган сари кўп нарсанинг қадрига ета бошлар экан, — деб сўз бошлади Абдумажид ака.— Аввало меҳр-оқибат, мурувват, саховат каби эзгу фазилатлар, азалий удумларимизнинг, миллий қадриятларимизнинг тикланишига йўл очган Мустақиллигимизга шукроналар айтаман. Минг шукрки, мана шундай мустақил юртда яшаш бахти бизга насиб этди. Ўзим ҳақимда сўзимни нимадан бошласам экан. Мен ота-боболаримиздан қолган отамерос — чорвачилик билан шуғулланаман. Оз-оздан беш-ўнта қўй боқиб, қорамол олиб кўпайтириб, ҳозирги кунда катта фермага айланган хўжалигим бор. Худога шукр, кеча-кундуз қилинган ҳалол меҳнат, пешона тери мени юзага чиқарди. Хўжалигим катталашган сари даромад ҳам шунга яраша кўпайиб борди. Мустақиллик қуёши Ўзбекистонимиз узра балқиди-ю бизга ўхшаганларнинг куни туғди. Ахир авваллари ҳалол тер тўкиб топган пулимизни ҳам ишлата олмас эдик-да. Тузукроқ уй қурган, машина олган одам... Атрофга очиқ кўз билан қараш керак. Ўн йил ичида озмунча ўзгаришлар бўлдими. Тадбиркор бўл, ишбилармон бўл, ота-боболаримиздан қолган қандай ҳунарларимиз бор — шуларни эгалла, меҳнат қил, ахир ўзинг учун, фарзандларинг учунку булар. Илм олмоқчимисан — тиришқоқ, зеҳнли, уқувли бўл, чет элларга ҳам бориб илм олишга йўллар очиқ, қай бирини айтай. Ахир кечагина отасининг маъракасида эшик тагида туролмаган инсонлар бугун масжидларга бемалол кириб намоз ўқимоқдалар. Беадад шукрлар бўлсинки, Мустақиллик шарофати билангина кўпчилик ҳамюртларим қаторида Ҳаж зиёратига бориб келиш менга ҳам насиб этди. Маҳаллаларда ҳам қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳалламиз атрофида жойлашган «Катта Қозиробод» масжидига ёрдам бердим ва «Катта Қозиробод» қабристони дарвозасини шарқона услубда янгиладим. Ўша ерда «Хотира музейи»ни қуриш нияти туғилди. Аждодларимиз олдида, маҳалламиздан ўтган барча эл корига яраган инсонлар олдидаги бурчим деб бошладим шу ишни, қолаверса «Шаҳидлар хотираси» мажмуи ва Хотира хиёбони каби улуғ ва муқаддас қадамжоларни барпо этиб, аждодларимиз, ўтганлар руҳи-покини эъзозлаётган улуғ Юртбошимиз қилаётган ишлардан ўрнак олиб бошладим шу ишни.

Шуни ҳам мамнуният билан айтишим кераккки, маҳалламиз фаолларидан Ноил Қурбонов, Мўмин Илҳомов, Исмат Асадов, Жалил Каримов, Маҳмадали Шамсиев, Мирсаид Аюпов, Мансур Қорабоев каби олийҳимматли инсонлар ҳам бошланган савобли ишларга кўмак бермоқдалар. Биласизми, айрим одамлар тушунмайди шу ишни. Хуноб бўлиб кетаман, гоҳида. Бу беш кунлик дунёда бир-биримизга фақат яхшилик қилайлик ахир, биздан фақат шу яхши ишларимиз қолади-ку — дегим келади. Президентимизнинг менинг учун юртимнинг тинчлиги, халқимнинг омонлигидан ортиқ бахт йўқ деган сўзлари мени доимо руҳлантиради, маънавий озуқ беради. Беш фарзандим бор, ҳаммаси олий маълумотли, уйли-жойли. Халқ ичида, одамлар оғирини енгил қилиш ниятида ишлаб юришибди. Мен ҳам ишлаб, пул топиб, бойликка эришган бўлсам — ҳаммасининг сабабчиси халқим, деб биламан. Мен шу юрт фарзандиман. Элим тузини ичиб камолга етганман. Энди шу халқ манфаати учун хизмат қилишни инсоний бурчим, деб биламан. Ушбу мактабни таъмирлашга 3 миллион сўмликдан ортиқ маблағни қалб даъвати билан, савоб ишга шерик бўлиш учун ажратдим. Ахир бу дунёда инсон фақат эзгу амаллари билан инсонлар қалбида қолади-ку!

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: саховатли тадбиркор инсон Абдумажид Ёрмуҳамедов мактаб директори Оҳиста Алимова билан мактаб таъмири хусусида ўзаро маслаҳатлашмоқда.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*БИЛИМДОНЛАР БАҲСИГА МАРҲАМАТ!*

# Марҳабо, Миср!

**Мусобақанинг сўнгги, V тури**

***Газетамизнинг муҳтарам мухлислари! Ўтган сафар биз Мисрнинг қадимий обидалари, диний маскан ва зиёратгоҳлари ҳақида сўз юритган эдик. Бугун эса мамлакатнинг замонавий диққатга сазовор жойлари ҳамда даволаниш масканлари ҳақида гап кетади.***



## 3. Мисрнинг замонавий зиёратгоҳларига саёҳат

Миср сайёҳликнинг барча соҳаларини тараққий эттириш имкониятларига эга юрт. Зеро, унда ўтмиш маданиятига оид тарихий обидалар билан бир қаторда ҳозирги замон меъморий ва маданий ёдгорликлари ҳам беҳисоб. Бугун шулардан баъзилари ҳақида тўхталамиз.

**Миср опера уйи — маърифат ва маданият марказидир**

Опера уйи 1988 йил октябрь ойида Қоҳира шаҳрининг Ал-Жазира ҳудудидаги қадимги кўргазмалар маркази ўрнида барпо этилган. Замонавий меъморчилик руҳини ўзида мужассамлаштирган бу муҳташам бино 4500 квадрат метр майдонни эгаллайди. Опера уйи етти қаватдан иборат бўлиб, унда 3 театр зали, қатор ўқув-машғулот хоналари, катта ва бой кутубхона, 2 та музей ҳамда турли анжуман ва учрашувлар ўтказиш заллари мавжуд.

**Халқаро анжуманлар ўтказиш Қоҳира маркази**

Замонавий тараққиётнинг ёрқин намунаси бўлган бу марказ дунёдаги анжуманлар ўтказиладиган энг катта марказлардан бири ҳисобланади. Зеро, у 70 феддан, яъни 35 гектардан ортиқ майдонни ишғол этади. Марказнинг салобатли биноси Қоҳиранинг Мадинат-Наср районида қад ростлаган. Марказ ўз номидан кўриниб турганидек, асосан нуфузли конференциялар, катта кўргазмалар, қурултой ва тантанали кечалар ўтказишга мўлжалланган. Марказдаги 3 та йирик анжуманлар залидан бири бўлган асосий зал 2500 ўринли бўлиб, у анжуман ишини 8 тилга тўғридан-тўғри, синхрон таржима қилишда ишлатиладиган замонавий воситалар ҳамда мустақил ёпиқ телемарказга эга. Марказдаги бу залдан кинотеатр ёки театр сифатида ҳам фойдаланиш мумкин, чунки унда ҳаракатланувчи саҳна мавжуд.

Марказдаги иккинчи зал 800 кишига, учинчи зал эса 600 кишига мўлжалланган. Уларда ҳам ёпиқ телевидение шохобчалари ҳамда тўғридан-тўғри, бевосита таржима воситалари мавжуд. Бинода шунингдек 3500 квадрат метр майдонли кўргазмалар зали, 300 журналистга мўлжалланган матбуот маркази ҳам бор. У 4 тилга синхрон таржима қилиш техник воситалари, телевидение, факс, маҳаллий ва халқаро телефон алоқа воситалари билан ҳам таъминланган. Марказ телевидениеси у ерда бўлаётган анжуманларни бевосита эфирга узатиш имконига ҳам эга. Бу марказ шу кунгача қанчадан-қанча ўта нуфузли, олий мақомдаги анжуманлар гувоҳи бўлган.

**Миср панорамаси**

У Мисрнинг 1973 йил октябрь ойидаги урушда қозонган ғалабасини абадийлаштириш мақсадида 1987 йил бунёд этилган. Унинг исломий руҳда, цилиндр шаклида қад ростлаган биноси 7,5 феддан (4 гектар атрофида) ерни ишғол этади. Бу ерда Октябрь урушида Барлиф мудофаа истеҳкоми қандай яксон этилиб, келажак ғалабаси таъминлангани, «Исроил армияси — енгилмас армия», деган афсона қандай пучга чиққани ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар панорама шаклида акс эттирилган. Миср халқининг фиръавнлар замонларидан бошлаб ўз эрки йўлида чет эл истеълочиларига қарши олиб борган курашини тасвирловчи лавҳалар ҳам панорамадан муносиб ўрин эгаллаган.

**Қоҳира минораси**

Бу минора Мисрнинг замонавий диққатга сазовор жойларидан биридир. У 1961 йил Қоҳира шаҳрида Нил дарёси ҳосил қиладиган «Ал-Жазира» оролчасида бунёд этилган. Баландлиги 187 метр, цилиндр шаклидаги бу ўзига хос минора дунёда темир бетондан қурилган энг баланд иншоот ҳисобланади. Унинг тепасида туриб, махсус кўриш жиҳозлари ёрдамида Қоҳиранинг чор атрофини томоша қилиш, пойтахт ҳуснидан завқланиш мумкин. Минорадаги айланиб турувчи ошхона ва қаҳвахона бу ерга қадам ранжида қилган кишиларга таом тановули билан бирга Қоҳиранинг яқин-атрофи жамолини томоша қилиш имконини ҳам беради.

**«Овоз ва ёғду» томошаси**

Бу томошага келган кишилар ранг-баранг нурлар ва мусиқий оҳанглар оғушида аҳромотлар сингари тарихий обидаларнинг ўз қисмати ҳақидаги ҳикоясини тинглайдилар. Аҳромотлар рўпарасидаги Сфинкс ўзига йўналтирилган алвон нурлар остида қадимий Миср маданияти ва ўз тақдиридан сўз очади. Бу ажойиб томоша араб, инглиз, француз, немис ва рус тилларида олиб борилади. Бундай ўзига хос, ажойиб томошалар Мисрнинг Луксор, Асвон ва Абу Сумбул обидаларида ҳам ўтказилади.

**Метро — ер ости йўли**

Стратегик аҳамиятга молик бу иншоот Қоҳира шаҳрининг у бурчини бу бурчи билан боғлайдиган энг қулай транспорт воситаси ҳисобланади. Қоҳира шаҳри Африка қитъасидаги аҳолиси ўта зич улкан шаҳарлардан бири бўлгани боис ҳам метронинг шаҳар транспортлари орасидаги ўрни беқиёсдир. Чунки Қоҳира метроси соатига минглаб йўловчига хизмат кўрсата олади. Метро бекатлари замонавий электрон воситалари билан жиҳозланган. Қоҳира Яқин Шарқ ва Африка қитъасида биринчи бўлиб транспортнинг бу туридан фойдалана бошлаган шаҳардир.

## 4. Миср барча қулайликларга эга ҳам сайёҳлик, ҳам даво масканидир

Қизил денгиз бошқа денгизлардан ўзининг сокин, тоза илиқ суви билан ажралиб туради. Унинг суви тубида беҳисоб маржон шодалари билан бирга бошқа ерда учрамайдиган турли рангдардаги балиқлар, ноёб денгиз жонзотлари ҳам талайгина. Буларнинг бари Қизил денгизга ўзига хос сеҳр-жозиба бахш этади. Шу боис дам олиш ёки даволаниш ниятида юрган ёки денгиз спортига ишқибоз жуда кўплаб сайёҳлар бу ерларга оқиб келишади.

Қизил денгиз дунёдаги илиқ денгизлардан бири бўлиб, сувининг ўртача ҳарорати 21-28°С даража атрофида бўлади. Айни чоғда у дунёдаги суви ўта шўр денгизлардан бири ҳамдир. Мана шу сингари сифатлар унинг соҳилларида «маржон мустамлакаси» ривож топишига, айниқса денгиз туби чиройи ишқибозлари бўлган сайёҳларни бу ерга интилишига сабаб бўлса ажаб эмас. Қизил денгизида ўз ер усти ва сув ости ўсимликлари ва ҳайвонот оламига эга катта-кичик 24 тадан ортиқ ороллар мавжуд. «Магавиш», «Шидван» ва «Зубаргад» ороллари уларнинг энг машҳурлари ҳисобланади.

Мисрнинг ноёб кимёвий таркибга эга минерал сув булоқ ва чашмалари жумлаи жаҳонга донг таратган. Зеро, уларнинг таркибидаги минерал ва олтингугурт нисбати дунёда энг юқори ҳисобланади.

**ЖАМИ САВОЛ-ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ**

Иштирокчининг исми-шарифи, ёши, касб-кори ва манзилгоҳи: ____________________

____________________

### Бешинчи, сўнгги тур:

**1-савол.** Қоҳира минораси —

*а) Мисрнинг муҳим сайёҳлик ва даволаниш иншоотларидан бири;*

*б) Мисрнинг муҳим диний қадамжоларидан бири;*

*в) Мисрнинг замонавий диққатга сазовор жойларидан бири.*

**2-савол.** Хелвон-Қоҳира вилоятидаги муҳим —

*а) сайёҳлик ва даволаниш жойларидан бири;*

*б) исломий обидаларга бой ерлардан бири;*

*в) масиҳий динига оид ёдгорликларга бой туманлардан бири.*

**Эслатма: Савол-жавоб варақаси қирқиб олиниб, тўғри жавоблар белгилангач, 1 сентябргача Миср элчихонасининг МАТБУОТ ШЎЪБАСИ жойлашган Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-бино, 601-604 хоналарга жўнатилади.**

### Биринчи тур:

**1-савол.** Ислом оламида Пайғамбаримиз (САВ)нинг ҳадиси шарифларини тўплаган энг машҳур муҳаддис:

*а) Абу Бакр ас-Сиддиқ;*

*б) Абу Абдуллоҳ ал-Бухорий;*

*в) Абу ал-Лайс ас-Самарқандий.*

**2-савол.** Миср ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган вақт:

*а) 1993 йил май ойи;*

*б) 1991 йил декабрь ойи;*

*в) 1992 йил январь ойи.*

### Иккинчи тур:

**1-савол.** Искандария кутубхонаси ишга тушгач, унинг жавонларидаги китоблар сони:

*а) Америка конгресси кутубхонасидаги китоблар сонидан кўп бўлади;*

*б) Америка конгресси кутубхонасидаги китоблар сонидан оз бўлади;*

*в) Америка конгресси кутубхонасидаги китоблар сонига тенг бўлади.*

**2-савол.** Искандария шаҳрининг шундай номланишига сабаб:

*а) Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) у ерда туғилгани;*

*б) Искандар Зулқарнайннинг бу шаҳарни бунёд этгани;*

*в) Искандар Зулқарнайннинг қабри шу ерда эканлиги.*

### Учинчи тур:

**1-савол.** Информацион маҳсулотлар шаҳарчаси таркибида Исломий маданият манзаралари ҳам мавжуд, Мисрга Ислом дини кириб келган пайт эса:

*а) Милодий ҳисоб бўйича 641 йил;*

*б) Милодий ҳисоб бўйича 636 йил;*

*в) Милодий ҳисоб бўйича 705 йил.*

**2-савол.** Информацион маҳсулотлар шаҳарчасига энг яқин турган тарихий обида:

*а) Мисрнинг машҳур пирамидалари;*

*б) Ал-Карнак тарихий мажмуаси;*

*в) Тутанхамон мақбараси.*

### Тўртинчи тур:

**1-савол.** Мисрдаги Ислом маданиятига оид энг муҳим диққатга сазовор жой:

*а) Каъбатуллоҳи шариф;*

*б) «Ал-Азҳар» масжиди;*

*в) «Ал-Карнак» ибодатхонаси.*

**2-савол.** Қоҳира марказидаги маҳаллалардан бири «Ал-Озбакия» деб аталишига сабаб:

*а) у ерда Ўзбекистон элчихонаси борлиги;*

*б) мамлуклар амири номига нисбат;*

*в) у ерда ўзбеклар кўплиги.*

*ОДОБНОМА*

## Ота бош, она ёнбош

Эр ва хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббат ва аҳиллик оила мустаҳкамлигининг калитидир. Бинобарин ҳар бир оилада ҳал қилувчи вазифани оила бошлиғи бўлмиш ота эгаллайди. Она эса унга ёнбош бўлгани маъқул. Бундай оилада муҳит ҳам ўзгача бўлади. Бордию бунинг акси бўлсачи? Унда отанинг ҳурмати тушиб кетади. Бу эса ўз-ўзидан фарзанд тарбиясига таъсир этмасдан қолмайди. Шунинг учун аёл оқилалик қилиб оилада отани биринчи ўринга қўйса, ҳар бир ишни ҳал этишда фарзандлари олдида умр йўлдоши билан бамаслаҳат иш юритса бундай оила сўзсиз мустаҳкам бўлади ва унга ҳамманинг ҳаваси келади.

## «Сиз»лашга нима етсин

Халқимизда «Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади», деган ажойиб нақл бор. Шунга кўра эр-хотин бир-бирларини ҳурматлаб, «сиз»лашиб гаплашса қани энди. Худди шунга ўхшаш ҳолатни биз Фарғона водийсида яққол кўрамиз. Айниқса Қўқонда ҳатто бешикда ётган ўн беш кунлик чақалоқни ҳам сизлаб гапирадилар. Ёшликдан, гўдакликдан «сиз»га ўрганган тил ҳеч қачон «сен»га айланмайди. Ахир эр-хотин бир-бири билан «сиз»лаб, аҳил-иноқ бўлиб тургандан кейин фарзандлар ҳам улардан яхши ибрат олишади-да. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек, бундай оилада ҳеч қачон ноқобил фарзанд улғаймайди.

## Фарзанд тарбияси ҳақида

Фарзанд оиланинг меваси, зурриёди, янги авлоди. Шундай экан унинг тарбиясида ота ҳам, она ҳам бирдай масъулдирлар. Фарзанд олдида «Бу эркакларнинг иши, бор, ойингнинг олдига, бор», деб фарзанд каловлатиб қўйилса ҳеч қачон бундай оиладан аҳил, иноқ фарзанд чиқмайди. Оилада бўладиган ҳар бир ишни аввало эр-хотин ўзаро келишиб олиб, сўнг фарзандлар олдида бамаслаҳат, биргаликда, яхши, ширин гап билан иш юритсалар фарзанднинг ҳам ота ва онага нисбатан меҳр-муҳаббати ошади.

«Отам мен билан маслаҳатлашиб иш қиляптилар ёки онам менинг ҳам шу ишни ҳал қилишимда фикримни сўрадилар», деб фарзанд ота ва онага нисбатан мутлақо ўзгача сўз билан таърифлаши ундаги меҳр ва муҳаббатнинг мевасидир. Бундан ташқари биргина оддий сўз билан фарзанд қалбида ота-онага нисбатан меҳр-муҳаббатдан ташқари ишонч, қандайдир ички қувонч пайдо бўлади. Фарзанднинг ота ва онага бўлган муҳаббати ортиб боради.

## Қиз бола — гул-лола

Оилада қизингиз бор дейлик. Хўш, унинг тарбиясига ким масъул бўлиши керак. Қиз тарбиясида ҳам ота ва онанинг ўрни бир хил бўлмоғи даркор. Лекин айрим ҳолатларда она қизига энг яқин бўлиши лозим. Ахир қиз бу бўлажак она-да. Шу боис қизлар учун зарур бўлган маслаҳатларни у дугонасидан ёки қўшни аёллардан эмас, балки ўз оиласидан олса ҳам онасига, ҳам оиласига бўлган муҳаббати ортиб боради. Айниқса қизларнинг ўсмирлик даврида уларга яқин ва сирдош бўлиш керак. Ҳеч қачон назоратсиз қолдирмаслик, қилган ишларини, борган жойларини, дугоналарини, ўқишларини баҳамжиҳат, яхши гап билан, ширинсўзлик билан суриштириб туриш даркор. Ахир «Қиз бола — бу гул-лола», дейдилар. Гул эса ғунчалигида узилмасин, лола эса баргини эрта тўкиб қуримасин.

**Назира СУЛТОНОВА,**
**2-Тошкент Давлат тиббиёт институти доценти.**
**Кутбиддин НИЗОМОВ,**
**2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ассистенти, институтда чиқадиган кўп нусхали «Тиббиётнома» газетасининг бош муҳаррири.**

**Бу ажиб дунё**

## Ҳисоб рақамига пул ўтказсин

Минглаб ригалик маҳбуслар яқинларидан турли озиқ-овқат маҳсулотлари ололмаётганликлари учун очлик эълон қилишди.

Қамоқхона маъмурияти бу «чора»ни ҳозирча ҳеч оғринмай кузатиб турибди. Ҳатто инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича маҳаллий бюро ҳам қамоқхонага маҳбуслар яқинларининг «илтифот»ларини чеклашни ёқлаб чиқди. Ҳукумат эса айнан озиқ-овқатлар бериш баҳонасида ичкарига гиёванд моддалар узатилаётганига қатор далиллар борлигини таъкидламоқда.

Хуллас, сўнгги қарор шундай: агар кимдир маҳбусни моддий тарафдан қўллаб-қувватламоқчи бўлса, марҳамат, қамоқхона ҳисоб рақамига пул ўтказсин. Ундаги дўконларда ҳамма нарса бор...

## Банк сўзининг маъноси

Банк деганда одатда кўз олдимизда ҳашаматли бинода пул билан ишғол этилган бир муассаса келади. Банк сўзининг аслида «стол» деган маънони англатишидан эса кўпчилик бехабар. Дарвоқе, бу сўз тарихи бизни ўрта асрларга етаклайди.

Дастлабки банклар XIV асрда Италиянинг Венеция шаҳрида пайдо бўлгани хусусида тарихий маълумотлар бор. Гап шундаки, ўрта асрларда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тарқоқ давлатлар деярли ҳар бири ўзига хос пул тизимига эга эди. Пул тизимининг асосини эса танга ташкил қилиб, ҳар бир ҳукмрон ўз тангасини зарб этишга ҳуқуқли бўлган. Баъзан қалбаки тангалар муомалага чиқарилган. Бу вазият савдогарларни саросимага солиб қўйган.

Натижада бир давлат пулини иккинчи давлат пулига алмаштирадиган муассасани тузиш зарурияти туғилди. Тангани алмаштириш қадимги Венециядаги ҳашаматли саройларнинг тош столларида олиб борилган. Шу тариқа пул сотиб олувчи ва сотувчи муассасаларни «Банко» номи билан атай бошлашган.

## Суд жараёни

Новосибирскда 65 ёшли нафақахўр Виктор Фокин устидан суд жараёни бошланди.

Қария 1996 йилдан бери 26-50 ёш атрофидаги 10 нафар аёлни ўлдиришда айбланмоқда. У ҳар сафар ўз қурбонининг аввал номусига тегиб, сўнгра ўлдирган ва мурдани майдалаб, ўрмонга олиб бориб, сочиб юборган. Маълум бўлишича, ўлганларнинг барчаси ё ичкиликка муккасидан берилган ёки фоҳиша аёллар бўлган экан.

## Тадқиқотда аниқланди

Яйловда ўтлаб юрган отларни кўпинча бир-бирларининг бўйинларини қашлаётган вақтда кўргансиз. Нега шундай? Бунда қандай сир бор? Австралиялик икки нафар биолог уни аниқлаш учун тадқиқот ишларини олиб бордилар. Текширишлар натижасида маълум бўлдики, отлар бўйнининг дуч келган қисмини эмас, балки унинг асосидаги муайян жойни қашлашар экан. Бу билан фақат турли ҳаромтомоқ ҳашаротларни қувлаш эмас, балки юрак уриши тартибга солинаркан. Чунки, бўйиннинг шундай жойи яқинида йирик асаб тугунчаси бўлиб, у юрак фаолиятини яхшилашга хизмат қилади.

# Сен менга, мен сенга...

*(Ҳажвия)*

Одамзот учун ҳаётда керак бўлмайдиган нарсанинг ўзи бўлмас экан. Еймиз, ичамиз, тикамиз, киямиз, кавлаймиз, кўмамиз, қурамиз, бузамиз ва ҳоказолар...

Бундан уч йил аввал яқин бир ошнам меҳрибончилик кўрсатиб 16 дона томга ёпадиган қора қоғозни керак бўлиб қолар, деб уйга ташлаб кетган эди.

Ёмғир челаклаб қуйиб юборса, чакка ўтиб кетгудек бўлса «устини ёпиб қўярман» деган ниятда, набиранинг бешик тўйига атаб қўйган пулдан бериб юборгандим. Ўшандан бери, уч марта баҳор келиб челаклаб ёмғир ёғди. Уч карра куз келиб жала қуйди. Қор, дўл ёғди, томдан чакка ўтмади. Ўтган бўлса ҳам мен сезмадим. Сабаби тўққиз қаватли уйининг иккинчи қаватидаги уч хонали уйда истиқомат қиламиз. Қора қоғоз бир-бирига ёпишиб қолмасин учун ҳар ойда бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, устига хотиннинг сепи билан келган жун гиламни ёпаман. Охири менинг жонкуярлигим хотиннинг жонига тегиб кетди. Мен эса қора қоғозим ишдан чиқиб қолмасин деб жоним халак. Ҳар ҳолда «Пули куйган... аччиқ гармдорини чайнапти» деганларидек, бешик тўйига аталган пулнинг «хаф» кетганига ачинаман. Бир куни рафиқамиз икки оёғини бир пой йиртиқ калишга тиқиб туриб олди: «Ё, мени дейсиз, ёки қора қоғозларни!»

Иложим қанча. Муроса-ю мадора деганларидек, кечқурун чойхонага чиқиб эллик сўмга бир чойнак чой олиб, лаби учган пиёлага қуйиб қайтардим. Бахтимга олди-сотди ишларда суяги қотган ошнам Чўтир чиройлик келиб қолди. Бир пиёла кўк чой узатиб, дардимни тўкиб солдим.

— Секинроқ , — деди ошнам чойдан ҳўплаб, килоси 450 сўмлик қантдан бир дона тишлади. Нақд пулга сотишнинг иложи бўлмаса, деди атрофга «ёвқараш» қилиб, — алмаштирамиз. Ҳозир пулдор одам томига қора қоғоз эмас, оқ тунука ёпяпти.

У қўлидаги пиёлани кўтариб бошқа сўрига бориб ўтирди. Мен чойхонадагиларнинг чеҳрасига назар солдим. Ҳамманинг пешонаси тиришган. Нимадир сотиши, нимадир олиши керак. Мақсад битта. Арзонроқ олиб қимматроқ сотиш. Қанчага сотсам, ҳамёнга қанчаси киради? Кимни лақиллатиш мумкин, лақиллатиб бўлмайди? Чойхонадагилар секин гаплашишаётган бўлишса ҳам ҳаммаёқда арининг уясидек «гувиллаган» овозлар.

Бир замон Чўтир чиройли, оғзи қулоғида келиб қолди. Қўлида сопол пиёла тўла қора чой.

— Бахтинг бор экан, —деди пиёлани патнисга қўйиб. — Харидор топилди. Аммо, унинг уйида бир машина хом ғишт бор экан. Агар хом ғиштни бирортасига «тепиб» юборса сендаги қора қоғозни олар экан. Ҳом ғиштга шу ернинг ўзида харидор топилди. Бир машина хом ғиштни бир машина майда кўмирга айрибош қилдик. Энди майда кўмирга харидор топиш керак эди.

Орадан икки кун ўтиб, чиройлик билан яна учрашдик. Майда кўмирни занглаган михга алмаштирдик. Занглаган михга эса харидор топиш керак эди.

— Энди, —деди у мен олиб берган олти дона жигар кабобни еб лабини тандир нон билан артар экан, — бу ёғини ўзимга қўйиб бер. Уйдаги бир машина майда кўмирни...

— Майда кўмир эмас, қора қоғоз, —деб тўғриладим уни.

— Ҳа-я, қора қоғоз, — деди у ўрнидан турар экан. — Қора қоғозга харидор топилди. Энди унинг хом ғиштини кўмирга алмаштириб, кўмирни михга айрибош қилиб, занглаган михга харидор топсам, ўзим уйингга бораман, — деди.

Мана шундай жонкуяр дўстларим борлигидан бошим осмонга етиб «Ёнингда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди», деб ўзимга тасалли берганимча уйга келдим. Орадан уч кун ўтиб ишдан келсам, тўққиз қаватли уйимизнинг олдида икки машина келадиган эски бўйралар уйилиб ётибди. Иккинчи қаватга кўтарилиб уйга кирсам, катта уйнинг ўртасида уйилиб ётган қора қоғоз йўқ. Суюниб кетдим. Бетига қатиқ чаплаб олган хотинимнинг бурнидан ўпиб ҳам қўйдим. Аммо бу қувончим узоққа чўзилмади. Қадрдон ошнам Чўтир чиройлик қора қоғозларни пастда мен кўрган эски бўйраларга айрибош қилиб кетган экан.

**Жўра МАҲМУД**

## «050»: ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ХАБАРЛАРИ

**15 июль**

◆ Акмал Икромов тумани, 15-даҳа, 2-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи Владимир Крючков Собир Раҳимов тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорақамиш каналида чўкиб кетгани тўғрисида унинг онаси Татьяна Крючкова шошилинч қўнғироқ қилган. Хабар олинган заҳоти сув тубида иш олиб борувчи қутқарувчи-ғаввослар қидирув ишларини бошлаб юборишди. Шу куни қутқарувчи-ғаввослар воқеа жойидан каналнинг 75 метр узоқликкача оқиб борган қисмидан В.Крючковнинг жасадини топиб олишга муваффақ бўлишди ва Собир Раҳимов туман ИИБси ходимларига топширишди.

◆ Юнусобод тумани, Қиёт мавзеси, 62-уй, 6-хонадонда яшовчи С.Аҳмедова уйида илон пайдо бўлгани тўғрисида шошилинч қўнғироқ қилгач, кўрсатилган манзилга етиб келган қутқарув хизмати ходимлари илонни тутиб олиб кетишди. Саросимага тушган уй эгалари бу хавфдан халос этилди.

**16 июль**

◆ Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи фуқаро Тоҳир Дадамуҳамедовнинг «Қичқириқ» каналида чўкиб кетгани тўғрисида унинг онаси томонидан мурожаат қилинган. Кўп ўтмай қидирув-қутқарув ишлари бошлаб юборилди. Етти метр чуқурликдаги уч юз квадрат метр сув ости текшириб чиқилгач Т.Дадамуҳамедовнинг жасади топилди ва Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси ходимларига топширилди.

◆ Фавқулодда вазиятлар бошқармаси навбатчилик қисмига Мирзо Улуғбек тумани Пушкин-Салор кўчаси, 1-уй, 14-хонадоннинг темир эшиги қулфланиб қолгани, ичкарида чақалоқ борлиги тўғрисида унинг онаси Комила Муротова томонидан хабар тушди. Эшик очилиб, чақалоқ онаси қўлига топширилди.

**17 июль**

◆ Юнусобод тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган Анҳор каналидан шахси номаълум эркак кишининг жасади сувдан олиб чиқилди ва туман ички ишлар бошқармаси ходимларига топширилди.

◆ Шу куни қоқ ярим тунда пойтахтнинг Муқимий кўчасидаги чорраҳасида иккита автоуловнинг тўқнашуви натижасида йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгани тўғрисида қўнғироқ бўлди. Авария натижасида машина ичига қисилиб қолган ҳайдовчи ва йўловчиларга қутқарув хизмати кўрсатилди. Уларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, зудлик билан шифохонага ёткизилди.

**18 июль**

◆ Кеч соат 18.30 ларда Юнусобод тумани, 4-даҳа, кўп қаватли 1-уйнинг лифти ишламай қолиши оқибатида унинг ичида 4 нафар ўспирин болалар қамалиб қолгани тўғрисида хабар тушди. Қутқарув хизмати ходимлари томонидан 20 дақиқа ичида лифт эшиги очиб берилди.

◆ Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлардан ташқари шу ҳафта ичида қутқарув хизмати ходимлари томонидан пойтахтимизнинг Чилонзор, Миробод, Акмал Икромов, Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Юнусобод туманларида истиқомат қилувчи фуқаролардан келиб тушган маълумотлар бўйича яна олтита хонадон эшиклари очиб берилди.

**Азамат СУЮНОВ**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Малика» очиқ акциядорлар жамияти ортиқча ишлаб чиқариш майдонларини ва технологик дастгоҳларни шартнома асосида ижарага беради.**

Маълумот учун тел: **34-49-89**

Манзил: «Ишчилар шаҳарчаси»

● Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2000 йилнинг 20 мартида масъулияти чекланган «Нелуфар-бону» жамиятига берилган рўйхат рақами 382/11 СИ 04338 бўлган савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

● Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2000 йилнинг 23 мартида масъулияти чекланган «Нелуфар-бону» жамиятига берилган рўйхат рақами 53/11 АИ 01004 бўлган алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

● Дархонда 3 хонали квартира, кичикроқ гаражи билан сотилади. Т: 137-18-93.

Бектемир туманидаги ОАЖ «Қишлоқ қурилиш» тизимидаги 15-автотранспорт-шуъба корхонаси тугатилди.

Даъволар эълон чиққандан сўнг 2 ой мобайнида «Қишлоқ қурилиш» очиқ акциядорлик жамиятида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 700100, Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 26.

**ОАЖ «Қишлоқ қурилиш»**


Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ходими Расулжон Зуфаровга рафиқаси

**Ноила ЗУФАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 209**

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-2607. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6